

Список литературы

1. Viktoriya N. Naumova, Yuliya A. Makedonova, Dmitriy V. Mikhhalchenko, Kahramon E. Shomurodov, Elena E. Maslak The Outcomes of the Dental Patients' Screening for Diabetes Mellitus. *Journal of International Dental and Medical Research* - 2020; 13(3): 1071-1080.
2. Фелькер Е.В., Винокур А.В., Бароян М.А. Временное шинирование в комплексном лечении заболеваний пародонта // Научный электронный журнал Innova. - 2016. - №3(4). - С. 7-9.
3. Жолудев С.Е., Делец А.В. Обоснование применения различных шинирующих конструкций при атрофических процессах в тканях пародонта // Проблемы стоматологии. - 2013. - №4. - С. 16-22.
4. Журавлев В.А., Казакова А.В. Методы фиксации подвижных зубов при лечении хронического генерализованного пародонтита // Проблемы стоматологии. - 2014. - №2. - С. 4-8.
5. Пархамович С.Н., Тюкова Е.А. Современные подходы к применения волоконных армирующих систем для адгезивного шинирования и микропротезирования // Современная стоматология. - 2016. - №3. - С. 43-48.
6. Муртазаев, Саидазим Саидазамович, and Саидиало Муртазаевич Муртазаев. "ЛЕЧЕНИЕ МЕЗИАЛЬНОГО ОТКРЫТОГО ПРИКУСА МЕТОДОМ ИНТРУЗИИ ЖЕВАТЕЛЬНЫХ ЗУБОВ." *Редакционная коллегия* (2019): 99.
7. Kovalenko, L. I., et al. "DARST. UND TRENNUNG VON EXO-UND ENDO-1, 3-DIMETHYL-BICYCLO (2, 2, 1) HEPTAN." *Chemischer Informationsdienst. Organische Chemie* 1.33 (1970): no-no.
8. Нигматов, Р., et al. "Разработка тактики лечения при случаях редкой врожденной олигодентии." *Stomatologiya* 1.1-2 (59-60) (2015): 143-147.
9. Билял, Н. М. "Значение Фото-пРотокола пРи диагноСтике зуБо-челЮСтных аноМалиЙ в оРтодонтии." *Forcipe* 3.5 (2020): 769-770.

ТИШ-ЖАҒ ТИЗИМИ АНОМАЛИЯЛАРИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ СУЮҚЛИГИНИНГ АЙРИМ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Саидов А.А., Музаффаров Б.Ю.

Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

akbar_saidov_1980@mail.ru

Сўнгги йиллар давомида тиш-жағ тизими аномалиялари ва деформацияларининг замонавий ташхислаш усуллари тадбиқ этилганлигига қарамасдан афсуски тарқалиш кўрсаткичи ҳар йили ўсиб бориши кузатилмоқда. Стоматологик касалликлар орасида тиш-жағ аномалиялари учраши ва тарқалганлиги бўйича тишлар кариеси ва пародонт касалликларидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. Болалар ва ўсмирлар стоматологик ва соматик саломатлиги орасидаги ўзаро боғлиқлик муаммоси

изланувчилар эътиборини ўзига қаратган ҳолда долзарб бўлиб қолмоқда.

Бемор болалар текшируви сўров, кўрик, тиш қаттиқ тўқималари ҳолатини баҳолашдан иборат бўлди, тиш қаторлари аномалиялари ва деформациялари бор ёки йўқлиги аниқланди. Анамнез тўпланиши давомида шикоятлар, чакка-пастки жағ бўғими соҳасида оғриқлар ёки шовқинлар дастлаб қачон бошлангани, қанчалик кўп юзага келиши, даволаш чоралари кўрилгани, улар самаралилиги аниқлаштирилди.

Бухоро шаҳрида тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 45 нафар беморларда рентгенологик тадқиқот амалга оширилди. Иш жараёни давомида тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган болалар ва деярли соғлом болалар оғиз бўшлиғи суюқлигида қуйидагилар баҳоланди: малон диальдегид миқдори (МДМ), каталаза, эластаза, уреаза, лизоцим фаоллиги.

Материалнинг статистик ишлови Statistica 6.0. амалий дастурлари пакетини қўллаган ҳолда амалга оширилди. Миқдорий кўрсаткичлар Стъудент t-мезони ёрдамида меъёрий тақсимлашга мувофиқ текширилди. Меъёрга яқинлаштирилган тақсимланган термаларни қиёслаш учун Стъудент мезони қўлланилди.

Ишнинг бошланишига тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган болалар катта гуруҳларининг кенг клиник тадқиқоти хизмат қилди, бу тадқиқот қуйидаги аниқ қонуниятларни аниқлаш имконини берди. Тадқиқотнинг лаборатор услубларини қўллаб туриб, биз тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган болалар оғиз бўшлиғида гомеостаз ҳолати ва носпецифик резистентлик даражасини тавсифловчи биокимёвий кўрсаткичларини ўргандик.

Шу тариқа, тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган болалар оғиз бўшлиғи суюқлигида каталаза фаоллиги пасайиши ва МДА юқори миқдори антиоксидант тизимининг резерв имкониятлари бузилиши ва оғиз бўшлиғида липидлар пероксидли оксидланиш жараёнларининг интенсификациясига гувоҳлик қилди. Тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган болаларда оғиз бўшлиғи суюқлигида

лизоцим миқдори жиддий пасайиши ва бир вақтнинг ўзида уреаза фаоллигининг деярли соғлом болалар маълумотларига нисбатан ошиб кетиши қайд этилди. Бу вазият тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган болаларнинг оғиз бўшлиғи суюқлигида антибактериал ҳимоя даражаси пасайганидан ва натижада оғиз бўшлиғида патоген ва шартли-патоген микрофлора учун қулай муҳит ҳосил бўлишидан далолат беради.

Клиник-лаборатор тадқиқот бўйича олинган натижалар тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган болаларни даволаш билан бир қаторда, мақсадга мувофиқ профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш заруриятини тақозо қилади.

Шу тариқа, тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган болаларда прооксидант- антиоксидант тизими дисбаланси; каталаза фаоллиги сусайиши ва малон диальдегиди миқдори ошиши, антимикроб ҳимоя пасайиши ҳамда патоген ва шартли-патоген микрофлора билан зарарланиш даражаси ошиши кузатилди.

Адабиёт

1. Глухова, Ю. М., and Н. С. Шпак. "Применение индекса ICON при оценке эффективности исправления зубочелюстных аномалий у подростков и взрослых." *Вестник общественного здоровья и здравоохранения Дальнего Востока России* 3 (2014): 2-2.
2. Хабилов, Н. Л., Ф. А. Шаамухамедова, and Г. Э. Арипова. "Ортодонтия с детским зубным протезированием." *Ташкент, 2016.*—218 с (2016).
3. Нигматова, И., З. Ходжаева, and Р. Нигматов. "Ранняя профилактика речевых нарушений у детей с использованием миофункционального аппарата." *Stomatologiya* 1.4 (73) (2018): 30-33.
4. Bos, Kirsten I., et al. "A treponemal genome from an historic plague victim supports a recent emergence of yaws and its presence in 15th century Europe." *23rd Paleopathology Association European meeting, August 25-29, 2022, Vilnius, Lithuania: abstract book.* Vilnius University Press, 2022.

СОХТА ПРОГЕНИК ПРИКУСЛИ БЕМОРАЛНИ ТУРЛИ ОРТОДОНТИК АППАРАТЛАР ЁРДАМИДА ДАВОЛАШ.

Арипова Г.Э., Сулейманова Д.А., Муратова Г.А.

Долзарблиги.Прогения сагиттал сатх йўналишдаги прикус аномалияси . Барча аномалиялар ичида сохта прогения 13-14% ташкил этиб ,унинг мажбурий ва фронтал турлари фарқланади. (Ф.Я.Хорошилкина). Шунга асосан, аномалияни тарқалиш даражаси ,уни аниқлаш ва даволаш долзарб хисобланади.

Мақсад: сохта прогеник прикусли беморларда ечиладиган ва ечилмайдиган аппаратлар ёрдамида даволаш самарадорлигини аниқлаш.

Материал ва усуллар:тадқиқот 13 -15 ёшдаги мезиал прикусли 28та қиз ва ўғил болаларда клиник,антропометрик, рентгенологик ,фотометрик ва статистик текширишлар а ўтказилди. Пациентлар тавсияланган аппаратларни турига боғланган холда икки гуруҳга ажратилди:

1-ечилмайдиган ва экстра орал; 2-ечиладиган аппаратлар.

Натижалар: Икки гуруҳ пациентларнинг динамик кузатув натижалари (даволашдан олдин ва даволаш якунида) , яъни антропометрик ва ТРГ - усулидаги текширув натижалари асосида даволанаётган 28 та пациентнинг 15 тасига юқори жағига ечилмайдиган Дерихсвайлер аппаратлари ва юқори жағни мезиал силжитувчи Деляр ниқоби қўлланилди . 13 та пациентга юқори жағини кенгайтириш ва юқори жағини мезиал силжитувчи ечиладиган пластинкалардан фойдаланилди.

Хулоса:Прогениянинг сохта мажбурий турини ечилмайдиган аппаратлар билан даволаган 15 бемордан 13тасида (86.6%) ижобий натижага эришилди. Ечиладиган аппаратлар билан даволанганда 13 бемордан 9тасида ижобий натижа олинди(68.16%) .

Бизнинг текширувларимизга асосан клиник антропометрик ва цефалометрик кўрсаткичлари ўзаро мос бўлган,лекин аппарат турига